



ТАФАККУР

2023-yil
10-mart

VA DUNYO

Ijtimoiy-siyosiy, ommaviy gazeta

• **Муҳаррир минбари**

“Ассалом”дан бошлаймиз

Газетамизнинг номини танлаш ва унинг илк сонини нашр этиш олдидан узоқ ўйладик, фикрладик. Босма матбуот нисбатан таназзулга учраётган, уларга бўлган эътибор сусаяётган бир вақтда газетани нашр этишга интилишимизни аҳмоқликка йўйганлар ҳам бўлди. “Интернет”, унинг “енгиб бўлмас кучи” ҳақида ваъз айтишиб, кайфиятимизни туширганларнинг ҳаракатларини ҳам кўрдик. Лекин бу борада бизнинг ҳам ўз ўй-фикрларимиз борлиги учун, ниятимиздан қайтмадик, газетани нашр этишга киришдик.

Тўғри, бугун Интернет, ижтимоий тармоқлар билан беллашиб жуда қийин. Лекин боболаримиздан қолган бир гапни унутмаслик керак: карвон мингта, ризқи бўлакча. Қолаверса, ижтимоий тармоқлар ўз тезлиги билан мақтанган бир вақтда, биз ҳолислик ила ҳақиқатга тик қарашимиз, пуфакдек тез ёрилиб кетувчи шов-шувларнинг ортидан қувмай, балки ижтимоий муаммоларга ўз вақтида фикр билдиришимиз лозим, деган ўй ҳужумонлик қилди қалбларимизда!

Шу ва бошқа бир қатор омиллар, сабаблар борки, биз бугун қўлимизда қалам билан сиз томон “Ассалому алайкум” дея юзланмоқни лозим топдик. Зеро, ишончимиз комилки, тафаккурга таяниб иш кўрувчи, оқни қорадан ажрата олгувчи аксар ҳамюртларимиз ҳам бизни “Ваалайкум ассалом” дея кутиб олишади. Чунки адолат, тўғри танқид, фикр ҳар қандай бошқарув тизимида жуда ҳам зарур. Бу ишни эса шу вақтгача матбуот бажариб келган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг яқиндагина Қариш шаҳрининг Янги Батон маҳалласидаги 71-мактабда ўқитувчилари ва фахрийлари билан суҳбатлашиб, сўз эркинлиги ва очиқлик масаласида айтган гапларини келтириб ўтишни лозим топдик. “...эркинлик нафасини, оммавий ахборот воситаларини дўст биламиз. Гапирсин, адолатли гапирсин. Танқид қилсин, тўғри танқид бўлсин.”

Демак, бизни очиқ юз, самимий кутиб олувчи ўқувчиларимизга яна бир бора: Ассалому алайкум! дея, иш бошлашни лозим топдик.

Рустам СОДИҚОВ,
“Тафаккур ва дунё”
газетаси бош муҳаррири.

Қутловлардан бошланар кўклам

Ҳар гал турфа юришлар билан келади, бу нозик ҳилқат. Бир сафар янги йилни кутиб олганданоқ бодом шохларига оқлик ораласа, кейинги гал бундай “юриш”лар февралда бошланади. Яшиллик, илиқликка интиқ юраклар эса хонанинг бир бурчида ўтирволиб кўнгул қағтини ковлайверади:

Хув-в, ана, узоқда нарида,
Баҳорнинг нафаси келмоқда,
дея илтифот айлайди. Ноз ила келаётган келин-чакка – Баҳоройга таъзимга чиқади.

Юртдошим, эътибор қилаётган бўлсангиз, бу йил бари ўзгача. Салобат ила, залворли қадамлар ила келмоқда Баҳор. Дарахт шохлари энди-энди турфа либослар киймоқда. Новдалар ҳам ҳар йили гулга кирган “ғўдак”ларидан айрилайвериб, анча эҳтиёткорроқ бўлиб қолишган чоғи. Ҳали шошилишмаяпти. Лекин қалбларга кириб келди. Чучмомо, ялпиз, лола, бинафша каби гуллар ўзларининг борлигини билдира бошлашди. Бедапояларда, бугдойзорларда, ариқ зийларида яшиллик барқ уриб турибди.

Ҳа, юртимизга баҳор келмоқда. Қиз-жувонларнинг шўх кулгулари, лапарлари эшитилмоқда. Сумалакка шошмоқда улар. Момолар фарзандлару набиралар, қавму қариндошу, қўни-қўшниларига сумалак улашиб учун дошқозонлар тинчини бузишган. Ким ўтин ёриб, қалаган, ким қозон ковлаган. Ёш-яланглар хизматда.

Сумалак ортидан байрамлар эшик қоқмоқда. Сумалакни созинган диллар Наврўзни кутиб турмайди, энди. Имкон бор экан, бугдой ундириб, қозонга масаллиқларни - унган бугдойни солишади, қайнатишади, қайнатишади. Онамизимиз қалбларидек қайноқ сумалак шу қадар мазали таомга айланадики, баҳри дилинг очилиб кетади. Ана шундан кейин байрам кетидан байрам келаверади.

Мана шундай кунлар арафасида азиз ва қалби қайноқ халқимиз – боболар, момоларимиз, алп келбатли йигитлар, оқила опа-сингилларимиз, кичкинтой ўғил-қизларимизни эндигина дунё юзини кўраётган газетамиз ижодий жамоаси номидан баҳор, Наврўз сайли ва кўнгулда уффуриб турган байрам билан қутлаб қолиш насиб этгани учун ҳам Яратганга шукроналар айтамыз. Яна қўлаб байрамларда юз кўришмоқ, сизларни қутламоқ насиб этаверсин, азизлар!!



Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Кезар ҳўв кишлоғу кентларинг аро,
Гармсел ўрнида файзли бир сабо.
Олтмишта баҳорда минг боғ яратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Сенда яшайдилар турфа юртдошим-
Сенда ўн тўрт манзил жамдир, ажабо?!
Миллату элатдан гулбоғ яратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Кузакда полизинг чорлар оламни:
«Қовун сайли»бугун, келинг, мархабо!»
«Торпедо»ковундан доврүк таратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Замининг сахий ва боғларинг болли,
Ҳатто шўр еринг ҳам тутар мураббо.
Ясси саҳрода ҳам ризқтоғ яратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Бағрингдаги мозий — ёғоч Сардоба,
Кўхна Ховосинг бор, қадимдан садо.
Тарихнинг устига тарих яратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Олтмиш ёшингда ҳам чехранг навкирон,
Ҳар гўшанг ободир, кўркам—дилрабо.
Гўзалликда ўзин бедоғ яратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ.



Табриклаймиз, қутлаймиз!

Байрам арафасида халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бир гуруҳ опа-сингилларимизни мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. Унга кўра, вилоят вакиллари ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ топилди. Биз юртдошларимизни юксак мукофотлар билан муборакбод этамиз.

“Мехнат шўхрати”
ордени билан
Маматкулова Айсара Бердикуловна - Сардоба туманидаги “Нурафшон дала сари” фермер хўжалиги бошлиғи.

“Дўстлик” ордени билан
Айтбагамбетова Айбатша Бекбердиевна - Гулистон шаҳридаги “Дўстлик” маданият маркази хореографи.

“Шўхрат” медали билан
Абдиева Муътабар Арслоновна - Сирдарё туманидаги “Reka-Med Farm” масъулияти чекланган жамиятининг инфузион эритмалар ишлаб чиқариш цехи йиғувчи-кадокловчиси.

Исманиярова Диларам Тулкуновна - Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими мутахассиси, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоси.

Ҳар йили баҳор фасли бошла-
нишиданоқ давлатимиз раҳбари-
нинг илм-фан, адабиёт ва санъат,
спортда муносиб ютуқларга эриш-
ган кизларимизни Зулфия номи-
даги Давлат мукофоти билан тақ-
дирлаш тўғрисидаги Қарори қабул
қилинади. Бу йил ҳам шундай
бўлди. Унга кўра, Гулистон дав-
лат университетининг 4-босқич
талабаси Абдуолимова Зарнигор-
хон Алишер кизи ва Гулистон
шаҳридаги “Бетон саноат” масъу-
лияти чекланган жамияти бош ди-
ректорининг ўринбосари Обидова
Ҳилола Илхомжон кизи Зулфия
номидаги давлат мукофотига лой-
иқ топилди. Интилувчан кизла-
римизни юксак эътироф – давлат
мукофоти билан қутлаймиз.

Қонунийлик асослари ва адолат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони билан қабул қилинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш устувор, муҳим ва долзарб йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Мазкур дастурий ҳужжатда белгиланган вазифаларга мувофиқ, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январь кундаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам қабул қилинди.

Ушбу Фармонга кўра, суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текшириш институти ислоҳ қилиниши назарда тутилган. Хусусан, суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганлигини текширишнинг фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартибини яратиш мақсадида:

- туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда қўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта қўриб чиқиш;

- вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида

• **Ички ишлар тизими: қарор ва ижро**

Халқчиллик ва салоҳиятни ошириш йўлида

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йил 20 январь кuni имзолаган Қарор бежизга “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” деб номлангани йўқ.

Сабаби, ушбу ҳужжат билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси”да ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини “Инсон кадри учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш ҳамда Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндошиш каби масалалар устувор вазифа сифатида белгиланди.

Қайси бўғинда фаолият юритишдан қатъий назар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳар кuni, ҳар соатда халқ билан мулоқот қилади. Аҳоли эса ана шу суҳбатларда уларни нафақат профессионал маҳоратли касб эгаси балки, юқори маданиятга эга шахс сифатида қўришни истайди.

Тан олиб айтиш кераки, бугунги кунга қадар ички ишлар органлари хизматига кадрларни танлаб олишда йўл қўйилган камчиликлар ҳозирги кунда ходимлар томонидан кузатилаётган салбий ҳолатларда ўз исботини топмоқда.

Албатта, бу билан илгари кадрларни танлашда шаффофлик бўлмаган ёки бюрократик тўсиқлар бўлган демоқчи эмасмиз. Шунчаки, илгари жорий этилган тизим бўйича ички ишлар органларига кириш истагини билдирган номзодлар танлов босқичларида белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтгандан сўнг, улар уч ойлик синов муддати

билан тўғридан-тўғри лавозимга тайинланар эди. Бу ҳолат эса тизимга қабул қилинаётган кадрлар Ватани ва халқига садокат билан хизмат қилиши, оғир вазиятларда чидамлик ва бошқа ижобий ёки салбий ҳислатларини ўрганиши учун унчалик ҳам имкон бермаган.

Аммо эндиликда “Е-номзод” ахборот тизими орқали хизматга қабул қилиш жараёнилари тўлиқ рақамлаштирилиб, ўтказиладиган танловларнинг якуний босқичида суҳбат ўрнига Давлат тест марказининг малакали мутахассислари томонидан тест синовлари қабул қилиниб, ундан муваффақиятли ўтган номзодлар Ички ишлар органлари хизматига қабул қилинадиган бўлди. Жорий этилган тизимнинг энг аҳамиятли ва самарали жиҳати ҳам шундаки, бундан буён тизимга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан бир йил дастлабки синов муддати берилиб, Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институтида уч ойлик бошланғич касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлагандан сўнг тегишли лавозимга тайинланиши белгиланди.

Бундан ташқари, қўпдан бери баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган мураббийларни тайинлаш масаласи қайта ўрганилиб, амалий хизмат стажига беш йилдан ортик бўлган, юксак касбий фазилатларга, хизматда самарали кўрсаткичларга ва тарбиявий йўналишда кўникмаларга эга бўлган энг тажрибали ходимларни хизматга биринчи марта қабул қилинганларга мураббий си-

• **Одил судлов ва жамият**

қўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта қўриб чиқиш;

- вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида қўрилган ишларни Олий суднинг судлов хайъатларида тафтиш тартибида қайта қўриб чиқиш;

- юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан қўриш учун қуйи судларга юбориш тартибини бекор қилиш ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклаш каби қонун ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланган.

Бундан асосий мақсад “Инсон кадри учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон кадр-кимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилиши, шунингдек, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини қўришига эришишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, Фармонда белгиланган вазифалар асосида қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш, фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, мамлакатимизда қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш учун замин яратади.

Собир РУСТАМОВ,
вилоят маъмурий судининг судьяси.

Муроджон КЕНЖАЕВ,
вилоят маъмурий судининг судья катта ёрдамчиси.

фатида бириктириш амалиёти йўлга қўйиладиган бўлди.

Албатта мураббийликнинг ҳам ўзига хос масъулияти бор. Масалан, ички ишлар органлари хизматига биринчи марта қабул қилинган ходимлар дастлабки синов муддати даврида Кодекс қоида ва талабларини бузган ҳолатларда уларга бириктирилган мураббийлар, айбдорлик даражасидан келиб чиқиб, эгаллаб турган лавозимидан озод этилишгача бўлган интизомий жазога тортилиши белгиланди. Жорий этилган ушбу тизим, мураббийлар билан ёш ходимлар ўртасидаги ҳамкорликни ўз-ўзидан янада кучайтирмоқда.

Қарорга мувофиқ, ички ишлар органлари фаолияти устидан ҳам жамоатчилик назорати тизими яратилиб, вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган, соҳа олимлари, фахрийлар ва журналистлардан иборат жамоатчилик кенгашларини тузиш белгиланди.

Бу эса ички ишлар органлари фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилиб, соҳа бўйича ижтимоий фикрни ўрганиш ва доимий мониторинг олиб бориш, тизим фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ижтимоий фикр ва жамият манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда коррупция ҳолатлари бўйича матбуот, интернет ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган хабарларни батафсил ўрганиб, унинг натижасини кенг жамоатчиликка етказиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, мухтарам Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу қарор тизим самарадорлиги ва халқчиллигини янада ошириш, аҳоли билан мулоқотни кучайтириш борасида янги даврни бошлаб беради.

Қахрамон ШЕРМАТОВ,
вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник.

Божхона тизимида

Ҳисоб беришди

Тадбирда вилоятда фаолият олиб бораётган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ва блогерлар иштирок этишди.



Мазкур матбуот анжуманида бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Ж.Хатамов давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида илғор тажриба асосида божхона маъмурчилигини ислоҳ қилиш ҳамда тартиб-таомилларини соддалаштириш борасидаги вазифалар юклатилганлигини айтиб, 2023 йилда тизимни янада ислоҳ қилиш, товарларни декларациялаш жараёнида кўрсатиладиган хизматларнинг баҳолаш тизимини жорий этиш, 9 босқичли экспорт жараёнини 3 баробарга қискартириш, бунда “Экспорт уч қадамда” лойиҳаси асосида декларациялашнинг қулай ва соддалаштирилган шаклига ўтиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, бошқарманинг Ахборот хизмати раҳбари А.Гаффаров бошқарма томонидан 2022 йил давомида амалга оширилган ишлар ва келгусида вазифалар тўғрисида маълумот берди.

Хусусан, ўтган 2022 йилда белгиланган истикбол режа

592 млрд. сўмга ёки 113 фоизга бажарилди. 552 ҳолатда контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилиши бўйича 24 млрд. сўмлик товарлар ушлаб қолинган.

Ҳисобот даврида 23 937 та божхона декларациялари расмийлаштирилди. Улардан 7 561 таси ёки 32 фоизи “яшил”, 11 781 таси ёки 49 фоизи “сарик” ва “кизил” йўлакдан ўтганлари 4 595 та ёки 19 фоизни ташкил этди. Ишни тартибли йўлга қўйилиши оқибатида божхона декларацияларини расмийлаштиришдан ўтказиш вақти 2 баробарга қискарди.

Тадбир иштирокчиларига Божхона органлари тизимида коррупцияга қарши курашиш, контрабанда ва божхона қонунбузилишларини олдини олиш, илғор технологиялар билан соҳани рақамлаштириш, божхона постларининг инфратузилмасини ривожлантириш, ходимларга қулай шароитлар яратиш бўйича маълумотлар берилди.

Яқунда журналист ва блогерлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоблар олишди.

Гиёҳвандлик ва дори воситалари айланмасига чек қўйилди

Вилоят божхона бошқармасининг тезкор тузилмаси ДХХ вилоят бошқармаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри Бектемир туманида тезкор тадбир ўтказди.



Тадбирда олдиндан тезкор кузатувга олинган, Қўқон-Тошкент йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган фуқаро О. бошқарувидаги “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси Бектемир тумани ҳудудига белгиланган тартибда тўхтатилди. Автотранспорт кўздан кечирилганда, унинг юкхонасида фуқаро Н.га тегишли бир дона 10 литр ҳа-


жмдаги қандолат маҳсулотлари тайёрлашда ишлатиладиган маҳсулот идишининг ичидаги крем остига яширилган 3 турдан иборат 79 дона “Тропикамид” ва 168 дона “Регален” номли кучли таъсир қилувчи дори воситалари ҳамда 600 дона таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган “Трамо-дол” дори воситаси борлиги аниқланди.

Эркинлик таъминланмай туриб, хавфсизлик таъминланган жой — қамоқхонадир.
Бенжамин ФРАНКЛИН.

Хулоса: Ўзгаларнинг сиз ҳақида фикрларига
этибор берманг. Асосийси, ўзингизга бўлган
ишончни йўқотманг!

• **Ўқитувчи мулоҳазалари**

Янги авлод дарсликлари:

**ЯНГИЛИКНИНГ ЙЎЛИ ҲАР ДОИМ
ҲАМ РАВОН БЎЛАВЕРМАЙДИ**

Азалдан шундай: янгилик борки, ҳаммаша ҳаммага ҳам бирдек ёқавермайди. Кимлардир уни тўғри талкин қилса яна кимлардир аксинча...

Таълимдаги ўзгаришлар, янги яратилаётган дарсликлар кўпчилик ҳамкасбларим сингари менга ҳам дастлаб маъқул бўлмади. Аниқроғи, улардаги янгиликларни ҳазм қила олмадим, чоғи. Лекин нима бўлганда ҳам, машғулотларимни янги дарсликлар асосида белгиланган тартибда ўта бошладим.

Бир куни “Ўзбекистон Баркамоллик учун таълим дастури” асосида яратилган она тили ва ўқиш саводхонлиги дарслигидаги “Бирга яхши-да” мавзусида берилган уйга вазифаларни текшираётганимда ўқувчиларимдан бирининг ёзганлари эътиборимни тортди. Унда “Мен учун энг қувончли кун бу - ота-онамнинг бир-бири билан уришишмаган куни” деб ёзилган эди. Вазифа шарти эса, “Қувончли кун” мавзусида оилангиз даврасида ўтказилган бир кунни тасвирлаб, камида 4-5 та гапдан иборат матн тузинг” эди. Қизалоқнинг матнини охиригача ўқишга тўғриси, бардошим етмади.

Кейин ўйладим, бу матнга қандай баҳо қўяман? Эътиборсизлигим учун кечир, дейманми? Ҳаёлимда ҳар хил ўйлар-у, қарама-қарши фикрлар туғён қиларди.

Эртаси куни кизалоқнинг ота-онаси билан суҳбатлашдим. Муаммоларни биргаликда ҳал қилишга қелишиб олдик. Уша кундан буён Янги Ўзбекистоннинг янги таълимига миннатдорлик ҳисси уйғонди, дарсликнинг теран моҳият-мақсадини тушуниб етдимки, боланинг тайёр матндаги машқдан эга, кесимни ажратишлари ёки от нима, сифат нима эканлигини топишлари муҳим эмас, боланинг мустақил фикрлай олиши, ўз сўзига эга бўлиши муҳим экан.

Шу воқеа сабаб бўлиб, одатдаги ҳар бир дарсдан мўъжиза қидирадиган, ўқувчиларимнинг фикрларини ҳурмат қиладиган бўлдим. Синфимда ўзгаришлар катта. “Қандай ўзгаришлар?” дейсизми? Ўқувчиларим ўзлари синф хонамизда кутубхона яратишди ва унга мудира ҳам тайинлашди. Бунга эса “Она тили ва ўқиш саводхонлиги”даги “Кутубхоначи қиз” матни сабаб бўлди.

Мени қувонтиргани, бу ғоя болажонларимнинг ўзларидан чиққанидир. Тўғри, аввал ҳам бошланғич синф хоналарида эртақ китоблар бўлган, лекин, кутубхоначи бўлмаган.

Ўқувчиларим танлаган кутубхоначи ўқувчимнинг айтишича, ҳозир кутубхонада 60 га яқин китоб бор. Китобларни ўқишга бериш тартиби ҳам мактаб кутубхонасиникидан қилинмайди. Улардан фойдаланувчи ҳар бир ўқувчи учун алоҳида дафтарлар тутилган. Болаларнинг ўқиган китобларини топшириш жараёнини кўриб, ҳайратим яна ҳам ошди. Гап шундаки, кутубхоначи ўқувчи китобларни шунчаки қабул қилиб олмасдан, ичидаги воқеаларни ўқиган ёки ўқимаганини саволлар орқали текшириб олаётганди.

Ижтимоий тармоқларда кузатаётганим дарсликдаги хатолар ҳақидаги фикрга келсак, ҳақиқатдан ҳам дарслик қусурлардан ҳоли эмас, мен ҳам шу хусусда муаллифларга боғланганимда, улар ҳозирда бу китоблар тажриба-синовда эканлигини ва хатолар устида тегишли мутахассислар ишлаётганликларини айтишди.

Юқорида айтганимдек, ҳар қандай янгилик ҳам даставвал ғайритабиий туюлиши мумкин. Лекин унинг самараси амалиётда билинади.

Лобар РЎЗИМУҲАММЕДОВА,
Гулистон тумани 7-мактабнинг
олий тоифали бошланғич
синф ўқитувчиси.

юзага келади. Бундай муаммолар ўсиб келаётган авлоднинг келажакига жиддий таъсир ўтказмай қолмайди.

Жаҳон тажрибасига қарайдиган бўлсак, Европада ёзги каникул 2 ой (июль-август ойлари) давом этади. Германияда таътил тизими “тез-тезу, аммо қисқа” тамойилига асосланган. Ёзги дам олиш узоғи билан 6 ҳафта бўлса, йил давомида ҳам қисқа таътиллار берилади. Барчани ўз таълим тажрибаси билан лол қолдирган Японияда эса ёзги таътил 40 кун бўлиб, 20 июлдан 31 августгача давом этади. Бундан кўринадик, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш бош масала. Ёзги узоқ муддатли таътилни ўрнига қишқи дам олиш вақтини узайтириш болалар учун ҳам, уларнинг ота-оналари учун ҳам, қолаверса, давлат учун ҳам керакли ва самаралидир.

Умид қиламизки, Халқ таълими вазирлиги ушбу таклиф бўйича ўз муносабатини билдиради.

Севинч АНВАРБЕКОВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

ришда таълим кластерининг истиқболлари” номли мақола-си билан иштирок этиб, қучлилар сафидан жой олган устоз Аъзамжон Рустамов “Илм-фан ифтихори” эсдалик нишони ва гувоҳномаси билан тақдирланди.

- Аввало бу биргина менинг ютуғим эмас, менга ишонч билдириб, қўллаб-қувватлаган оилам, ҳамкасбларим, қолаверса барчамизнинг ютуғимиздир. Иншааллоҳ, бу ютуқлар сўнгиси эмас. Албатта, бундан руҳланган ҳолда изланишда, интилишда давом этамиз ва бунданда юксак натижаларга эришишга ҳаракат қиламиз, - дейди Аъзамжон Рустамов.

Дарҳақиқат устоз бир дақиқа вақтини бекор сарфламаганидек, ўз шогирдларини ҳам асло бўш қолдирмайди. Дарсдан бўш вақтларида ўқувчиларини тўғарақларга жалб этиб, ўз билимини уларга ҳам улашади. Ўқувчиларнинг дарс бошланишидан бир соат олдин келиб, устозни кутишлари, ҳатто бу йилги қаҳратон совуқда ҳам тўғарақларни бекор қилмасликни устоздан илтимос қилганликларидан қаҳрамонимизнинг педагогик маҳорати, билим савияси, табир жониз бўлса, бола руҳиятининг руҳшуноси эканлигини кўришимиз мумкин!

Баҳодир ТУРҒУНОВ.

Таклиф: мактаб таътиллари
ислоҳ қилса бўладими?

Августнинг боши эди. Бешинчи синф ўқувчиси — жияним “Уфф, мактаб қачон бошланар экан” деб қолди. Унинг ёзги таътилга чиққанига мана 3 ой бўляпти. Сездимки, ўртоқлари билан деярли барча ўйинларни ўйнаб бўлган, энди зерикшни бошлади. Назаримда, у мактаб ҳаётидан, дарслардан ҳам анчайин узоқлашгандек. Ва шу аснода ўқувчиларнинг таътил муддати бунчалик узоқ давом этиши қанчалик тўғри экан, дея ўйлаб қолдим.

Юртимиздаги мактабларни иситиш учун қанча-қанча маблағ сарфланади. Қолаверса, ҳамма таълим масканларида ва ҳар доим ҳам иситиш кўнгилдагидек бўлмаслиги оқибатида болаларнинг тез-тез шамоллаши кузатилади. Бу, эса аввало, фарзанд саломатлигига, қолаверса, оила бюджетига зарар келтиради.

Ёз ойидаги узоқ муддатли таътил эса болаларни ҳаддан ортиқ эркинликка ўргатиб қўйиши билан бирга бекорчи нарсаларга вақт сарфлашларига сабаб бўляпти. Агарда ўқув йилини 20 августдан бошлаб, ёзги дам олиш вақтини 20 июндан белгилаб, қишқи таътил муддатини узайтирсак, ҳар тарафлама қулайликка эришишимиз мумкин. Негаки, дарсда қатнашиш учун ноқулай бўлган асосий жазирама кунлар саратондан бошланади.

Энди, бунинг ўзига яраша самарали томонларини кўриб чиқайлик. Масалан, агарда қишқи таътил бир ой муддатга узайтирилса, фойдали бўлиши эҳтимол юқори. Бир ой вақт мобайнида барча мактабларда иситиш харажатлари тежалди. Иқтисод қилинган маблағни эса мактабнинг моддий-техник базасини яхшилашга сарфлаш мумкин.

Бундан ташқари, қишда совуқ ва ноқулай об-ҳаво туфайли болаларнинг мактабга қатнашида ҳам муаммолар бў-

лиши табиий. Таътил эса қорли кунларда болажонларнинг қийналмасликлари ҳамда саломатликларини асрашда ҳам самарали усул саналади. Ўйлаб қаралса, 3 кун касал бўлиб қолган бола шунча кун дарсни ўзлаштиролмайди. Тенгдошларидан орқада қолади ва айнан билим олишда маълум бўшлиқлар

**Ишончни оқлаган устоз**

Беш юз қирқ нафардан сал ошиқ ўқувчиси ва уларга таълим бераётган ўттиз нафар педагог кадрларга эга бўлган 13-умумтаълим мактаби Гулистон шаҳридаги энг кичик мактаблардан бири бўлишига қарамай, бугунги кунда ўз фаолиятида сезиларли натижаларга эришиб келаётгани таҳсинга саровор. Ўқувчи-ёшларга таълим бериш билан бир қаторда бугунги тезкор замон шиддатини ҳис этган ҳолда ўз устларида тинмай изланиш олиб бораётган ва юқори натижаларга эришиб келаётган педагог кадрларнинг борлиги бугунги кун ўқитувчиси учун ўрнак бўлса арзийди. Шу мактабнинг маҳоратли педагогларидан бўлган ва кўплаб шогирдларнинг устози алгебра, математика ҳамда иқтисодиёт фани ўқитувчиси Аъзамжон Рустамовнинг айнан шу фанлар доирасида эришиб келаётган ютуқлари нафақат мактаб, балки шаҳримиз ва вилоятимиз учун ҳам юксак фахр ва ифтихордир. Яқиндагина Тошкент шаҳрида илғор тадқиқотлар илмий маркази томонидан ўтказилган халқаро илмий форумда ўзининг “Миллий иқтисодиётни ривожланти-

TAFAKKUR VA DUNYO**Бош муҳаррир: Рустам СОДИҚОВ****Муассис: “Янги Сирдарё” МЧЖ**

2023 йил 17 февралда

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
Сирдарё вилояти бошқармасида 064123
рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета «PoligrafiyaAiK» I.Ch.Sh.K.да компьютер марказида терилди, саҳифаланди ва офсет усулида чоп этилди. Корхона Манзили:Гулистон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 28-уй. Тел: (67) 225-47-73. Буюртма: Адади: 1000 та. Соат 11.00. Ҳажми 1 босма табоқ. Бичими А-3.

Бизга ёзинг: 120100. Гулистон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уй.

ТЕЛЕФОН: + 99 899 984-41-61

Навбатчи:
Ф. СОДИҚОВНашр кўрсаткичи 6055
ISSN 2181-4449
Топшириш вақти - 16.00
Топширилди - 16.00
9.03.2023 йил

①—Тижорат материали

Сотувда эркин нархда